

1. Абу Абдуллоҳ Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Убайдани амир қилиб, бизни Қурайшнинг карвонини тўсиб чиқиш учун жўнатдилар ва бизга бир халта хурмо бердилар. Бизга беришга шундан бошқа нарса топа олмадилар. Абу Убайда бизга (кунига) бир донадан хурмо берарди». «Уни нима қилар эдинглар?» дедим.

У шундай деди: «Уни гўдак сўргандек сўриб, кейин устидан сув ичар эдик, шу бизга ўша кун кечгача кифоя қилар эди. Ҳассаларимиз билан барг қоқиб, кейин уни сув билан намлаб ер эдик. Кейин денгиз соҳили бўйлаб юрдик. Бир пайт денгиз соҳилида йирик қум тепалигига ўхшаган нимадир кўтарилди. Яқин келиб қарасак, анбар деган жонивор экан. Абу Убайда: «Ўлимтик-ку», деди. Кейин: «Йўқ, биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг элчиларимиз, Аллоҳ йўлидамиз. Биз музтар бўлдик, еяверинглар», деди. Биз уч юз киши эдик. Биз уни бир ой еб, ҳатто семириб кетдик. Эсимда, унинг кўз косасига хумларни ботириб, ёғ олар эдик, ундан ҳўкизни бўлақлагандек [ёки «ҳўкиздеқ»] бўлақлар кесиб олар эдик. Абу Убайда бизни унинг кўз косаси ичига ўтқазган эди, ўн уч киши сиғди. Унинг қовурғаларидан бирини олиб тиккалади-да, кейин энг катта туямизни миниб, ўшанинг остидан ўтди. Унинг гўшtidан қоқлаб, ғамлаб олдик. Мадинага келгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, у зотга буни айтган эдик, у зот: **«У Аллоҳ сизларга (денгиздан) чиқариб берган ризқдир. Ёнингизда унинг гўшtidан бироз борми, бизни ҳам меҳмон қилсангиз?»** дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

